Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 6 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 208 (13.271)

Баҳоси эркин нархда

АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар барча соҳаларда изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 5 октябрь куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифини Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилиш билан бошлади.

Шундан сўнг Оқдарё туманида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги ишлари билан танишди, фермерлар билан деҳқончиликда самарадорликни ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш баробарида уларни қайта ишлашни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг аҳамияти ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Самарқанд шаҳрида барпо этилиши режалаштирилаётган, шаҳар аҳолисининг уй-жой муаммоларини ҳал этиш имконини берадиган замонавий кўп қаватли уйлар лойиҳаси билан танишди. Ушбу янги уй-жой мажмуаларида аҳолининг ҳар томонлама қулай яшаши учун зарур ижтимоий инфратузилма ҳам яратилади.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳри транспорт тизимини янада яхшилаш, замонавий трамвай линияларини барпо этиш лозимлигига эътибор қаратди. Бунинг учун барча имкониятлар мавжудлиги, трамвайнинг экологик тоза транспорт воситаси сифатида атроф-муҳитга таъсири камлигини қайд этаркан, бу лойиҳани сифатли бажариш, 2017 йилнинг Наврўз байрамигача якунлаш зарурлигини таъкидлади.

Хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган замонавий технологиялар асосида муқобил манбалардан электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича ноёб объект лойиҳасининг амалга оширилиши билан танишди. Мазкур станциянинг ишга туширилиши Самарқанд вилояти ва мамлакатимиз энергия тизимининг Жанубий-ғарбий қисми истеъмолчиларини электр энергияси билан муқим таъминлаш имконини беради. Қуёш фотоэлектр станцияси йилига 158,3 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Ушбу мажмуа қурилишида маҳаллий маҳсулотлардан кенгроқ фойдаланиш, бундай станцияларни юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бунёд этиш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев шу куни Ургут туманида ташкил қилинган саноат зонасини ҳам бориб кўрди. Майдони қарийб 42 гектар бўлган бу ҳудудда 40 саноат корхонаси, жумладан, 19 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1 минг 200 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йили саноат зонасида қиймати 157,5 миллиард сўмлик 20 турдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, экспорт ҳажми 10 миллион АҚШ долларидан ошди. Хусусан, бу ерда маҳаллий хомашёдан гилам ва гилам маҳсулотлари, синтетик тола, электр духовкалар, газ плиталари, бир марта ишлатиладиган пластик идишлар, полимер елим ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда.

2017 йилда туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича яна 78 лойиҳани амалга ошириш ва 3 минг 400 иш ўрни ташкил этиш режалаштирилаётгани таъкидланди.

Туман ерларидан унумли фойдаланиш, хусусан, адирли ерларга ёнғоқ, бодом, ток, унаби каби экинлар экиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ургут туманининг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, саноат ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, инвестиция ва илғор технологияларни жалб этиш мақсадида Ургут эркин индустриал зонаси ташкил этилишини алоҳида қайд этди.

Ургут тумани ҳокимлигида Самарқанд вилояти фаоллари билан бўлган учрашув аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси ёдга олиниб, ҳурмат бажо келтирилди.

Йиғилишда Ургут тумани мисолида вилоятни истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс дастури кўриб чиқилди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманлари марказларида янги уй-жойлар барпо этиш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, хусусан, ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш асосида аҳолининг турмуш шароитларини янада юксалтиришга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев ҳукумат порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келаётган мурожаатлардан мисоллар келтирар экан, вилоят мутасаддиларига ушбу масалаларни вақтида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Ҳар бир мурожаат Бош вазирнинг назоратида бўлишини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда вилоят ва туман бюджетларининг молиявий-иқтисодий салоҳиятини ошириш бўйича долзарб вазифалар, экспорт прогнозларини бажариш, йиғим-терим ишлари, кузги экинларни экиш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва нарх барқарорлигини таъминлаш, уй-жойлар ва ижтимоий объектларнинг кузги-қишки мавсумга тайёрлиги, тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш, вилоят иқтисодиётининг барча соҳалари узлуксиз ишлаши масалалари муҳокама этилди.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА, ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ВА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯХШИЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилансин.

Давлат органлари, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар:

ўз фаолиятида юқорида кўрсатилган талабни ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини таъминласинлар;

ўз вазифалари ва ваколатларининг танқидий таҳлили асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ҳамда уларга йўл қўймаслик борасидаги чора-тадбирларни такомиллаштиришга ва уларнинг самарадорлигини оширишга доир асосланган таклифларни икки ой муддатда, белгиланган тартибда киритсинлар;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминласинлар.

2. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик вазирликлар ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, юридик шахсларнинг тугатилаётганида, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, инсоннинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва мажбурий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этиладилар;

ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этиладилар;

тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилмайди;

хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига уларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини (ресурс ва божхона тўловлари бундан мустасно) беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилади;

тадбиркорлик субъектлари ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берган тақдирда давлат божи тўлашдан озод этиладилар;

тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ташқи савдо контрактлари назорати ва мониторингини сақлаб қолиш шарти билан бекор қилинади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармонининг 1, 2 ва 4-иловаларида назарда тутилган товарларни экспорт қилиш бўйича контрактлар мустасно;

(Давоми 2-бетда)

ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев билан Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида ўзбек ва тожик халқларини вақт ва тарих синовидан ўтган кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари боғлаб туриши, бу яқин қўшничилик, ўзаро ҳурмат ҳамда бир-бирининг манфаатларини эътиборга олган ҳолда бундан кейин ҳам самарали ҳамкорлик учун қулай ва мустаҳкам асос яратиши таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, замонавий Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларига асос солган Ислом Каримов вафоти муносабати билан Самарқанд шаҳрида ўтказилган дафн маросимида шахсан қатнашгани ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этгани учун Тожикистон Президентига миннатдорлик билдирди.

Суҳбат давомида Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмон бундан кейин ҳам очиқ ва кенг кўламли мулоқотни давом эттиришларини, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли даражадаги сўнгги мулоқотлари чоғида қўллаб-қувватланган таклиф ва келишувлар икки мамлакат халқларининг фаровонлиги, минтақада тинчлик ва барқарорликни, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифаларни биргаликда босқичма-босқич амалга ошириш имконини беришига ишонч билдирдилар.

ЎзА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти Қибрай туманида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Семинарда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг асосий вазифалари", "Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар", "Участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштиришнинг тартиб-қоидалари" мавзуларида маърузалар тингланди.

● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг мажлисида сайлов участкаларини тузиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилояти кенгашининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда партиянинг жорий йил 4 декабрда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлиги ҳамда навбатдаги қурултойга делегатлар сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

● "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Нурота тумани бўлинмасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Қарийб 280 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган бўлинманинг янги биносида самарали фаолият юритиш учун барча шароит яратилган.

● Агробанк ўз мижозларига қулайликлар яратиш мақсадида "Agrobank mobile" мобиль иловасини таклиф этмоқда. Банк мутахассисларининг таъкидлашича, "Agrobank mobile" – жисмоний шахслар учун интернет тизимига уланган ҳолда масофадан хизмат кўрсатиш бўлиб, мобиль қурилмаларга (уяли телефон, планшет) ўрнатилган дастур орқали исталган жойдан ўз ҳисобрақамларини бошқариш ва назорат қилиш имконини беради.

ЖАҲОНДА

● Бутунжаҳон иқтисодий форуми (WEF)нинг Глобал рақобатбардошлик кўрсаткичига оид ҳисоботига дунё мамлакатларидаги автомобиль йўлларининг ҳолати бўйича рейтинг киритилди. Унга кўра, БААда жаҳоннинг энг яхши автомобиль йўли мавжуд дея эътироф этилди. Рейтингда кейинги ўринларни Сингапур, Гонгконг, Голландия, Япония, Франция, Швейцария, Австрия ва Дания давлатлари эгаллади.

● 273 нафар номзод орасидан япониялик биолог Токио университети профессори Ёсинори Осуми тиббиёт ва физиология бўйича 2016 йилги Нобель мукофотига сазовор бўлди. Олимга мазкур нуфузли мукофот аутофагиа механизми (ҳужайраларнинг ўзини емириши) бўйича ўтказган оламшумул тадқиқотлари учун берилди.

● Халқаро олимлар гуруҳи семиришга бўлган ирсий мойилликни парҳез ёки жисмоний машқлар билан бартараф этиш мумкинлигини аниқлади. 10 минг киши иштирок этган метатаҳлил натижалари жисмоний фаоллик, парҳез ёки дори-дармон наслий ва оддий семизлик билан курашда бир хил даражада самарали эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА, ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ВА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯХШИЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат илгари худди шундай товар учун айнан сертификат олган аризачига бир иш куни мобайнида берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига қуйидаги асосий ваколатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилсин:

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;

давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларга йўналтирилган асосланган таклифлар киритсинлар:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатларини камайтириш, масофавий назоратни кенг жорий этиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни таъминлайдиган солиқ маъмурчилиги сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш;

республиканинг экспорт салоҳияти ўсишини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантирадиган валютани тартибга солишнинг ва валюталар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширишларни тайинлаш ва ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий асослари ҳамда мезонларини назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг камерал назорати самарадорлигини ошириш орқали текширишларни ўтказиш сони ва муддатларини қисқартириш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолатларининг асосий механизмларидан бири сифатида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчилари кўрсатаётган хизматлар сифати ва тақдим этаётган хулосаларининг ҳаққонийлиги учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи навбатда, кредит сиёсатига маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик;

банкнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи ғовларни тугатиш, шунингдек, мижозларнинг ўз пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

барча техник талабларни (санитария, экология, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ва техник нормативларни) хатловдан ўтказсин ҳамда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бартараф этадиган тегишли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқсинлар ва қабул қилсинлар;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги амалдаги норматив ҳужжатлардан монеликсиз ва бепул фойдаланиш имконини бериш мақсадида уларнинг жаҳон Интернет ахборот тармоғидаги ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини ва доимий янгилаб борилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги функция ва ваколатларини босқичма-босқич суд органларига ўтказиш юзасидан таклифлар киритсинлар;

иқтисодий жиноятлар содир этиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш оқибатида етказилган зарарни аниқлашнинг асосланган ягона мезонлари ва асосларини ишлаб чиқсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

фуқаролар ва тадбиркорларнинг, энг аввало, давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, шунингдек, коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини;

жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ нормаларини янада либераллаштириш бўйича таклифларни;

қонун ҳужжатларига, энг аввало, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашишга ва уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилишига йўл қўймасликка қаратилган, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича молия-хўжалик фаолияти текширувларини (тафтишларни) тайинлаш, ўтказиш ва уларнинг муддатини узайтиришнинг аниқ процессуал тартиби белгиланишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни белгиланган тартибда киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди тадбиркорлар ҳуқуқларининг суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини, шаффофлик ва холисликни таъминлаш мақсадида уч ой муддатда суд мажлисларига аудио ва видео қайд этиш механизмлари босқичма-босқич жорий этилишини, шунингдек, қабул қилинган суд қарорлари веб-сайтларда жойлаштирилишини назарда тутувчи дастурнинг ишлаб чиқилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали "ягона дарча" тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш юзасидан таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензия бериш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қанчалик мувофиқлигини танқидий ўрганиш асосида Вазирлар Маҳкамасига эскириб қолган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган рухсат берувчи ҳужжатларни бекор қилиш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларининг муддатларини қисқартириш юзасидан таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 5 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА, ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ВА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯХШИЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қабул қилинган Фармони, энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилган ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишидан далолат беради.

Хусусан, Фармон "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик"ни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлайди.

Ушбу мақсадларда давлат органларига, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмаларга:

ўз фаолиятида белгиланган талабларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш, шу муносабат билан ўз вазифаларини ва ваколатларини танқидий қайта кўриб чиқиш;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш топширилди.

Ушбу норма давлат органларига айбдор ходимларга нисбатан нафақат интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликнинг энг қатъий чораларини қўллаш мажбуриятини юклабгина қолмасдан, балки тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита ушбу ходимлардан ундирилишини таъминлашни ҳам юклайди.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ноқонуний текширишларни ташкил этишга ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар етказилишига йўл қўймасликка йўналтирилган.

Фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашишдан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга йўналтирилган давлат назоратининг принципиал жиҳатдан янги бир қатор механизмлари белгиланмоқда.

Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги илгари кўрилмаган чоралар жорий этилади:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустасно;

шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади.

Шундай қилиб, назорат қилувчи органлар эндиликда режадан ташқари текширишлар ўтказишни ташкил қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини таъминлаш мақсадида фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида қисқа муддатли текширишлар ўтказишнинг чекланган имконияти сақланиб қолади. Бундай текшириш фақат Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилиши мумкин ва текшириш муддати бир иш куни билан чекланган.

Шу билан бирга, Фармон маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлини давом эттириб, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларини ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларни, улар томонидан етказилган зарарни қоплаган ва ҳуқуқбузилиши оқибатларини белгиланган муддатларда ихтиёрий бартараф этган тақдирда, жавобгарликнинг барча турларидан озод қилиш каби тубдан янги чораларни назарда тутади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллаш тақиқланган.

Кўрсатиб ўтилган нормалар тадбиркорлик субъектларини икки марта жазолашни истисно этибгина қолмай, балки биринчи марта ҳуқуқбузарликни содир этган ва ўз айбини ювган фуқароларга ўзининг тадбиркорлик фаолиятини салбий оқибатларсиз давом эттириш имконини беради, бу чора уларнинг ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга ҳам йўналтирилган.

Шу муносабат билан Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Солиқ кодексига ва бир қанча бошқа қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарига беш йил мобайнида улар рўйхатдан ўтказилган санада амалда бўлган солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларни қўллаш ҳуқуқи берилади.

Шуни қайд этиш зарурки, ушбу имтиёз инвестиция сифатида киритилган маблағлар миқдоридан қатъи назар хорижий инвестициялар иштирокидаги барча корхоналарга татбиқ этилади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан Парламент назорати шаклларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ушбу институт тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашда, давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин тутади.

Фармон қоидаларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Хусусан, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш доирасида умумий эътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунларни, шу жумладан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида", "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида", "Давлат харидлари тўғрисида" ва "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Дастурга мувофиқ жиноят ишлари бўйича текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибининг аниқ ҳуқуқий тартиботини белгилаш учун "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунга, Жиноят-процессуал кодексига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектлари фаолиятига, шу жумладан, жиноят ишлари доирасида тергов қилишни амалга оширишда ноқонуний аралишиш имконини берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, Дастур тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ жиноят қонунчилиги нормаларини янада эркинлаштириш, жиноятлар содир этилиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралишишнинг ягона мезонлари ва асосларини белгилаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилишини назарда тутади.

Солиққа тортиш тизими ва божхона ишини такомиллаштириш, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ва халқаро рейтингини ошириш соҳасида Дастурда қуйидагиларга йўналтирилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир тадбирлар мўлжалланган:

валютани тартибга солиш ва валюталар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, банк фаолиятини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ғовларни бартараф этиш;

солиқ маъмурчилигининг сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш;

тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини божхона органларида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

ҳуқуқбузилишларининг олдини олишнинг асосий механизмларидан бири ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолати сифатида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчиларининг хизматлар сифати учун жавобгарлигини ошириш ва улар томонидан тақдим этиладиган хулосаларнинг ишончлилиги юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Дастурда тадбиркорлик субъектларига ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги вазифа ва ваколатларни босқичма-босқич суд органларига ўтказиш йўли билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилишни кучайтириш чоралари режалаштирилган.

Ушбу чоранинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектини текширган назорат қилувчи орган томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни мустақил кўриб чиқиш ва бу орқали маъмурий ишларни кўриб чиқишдаги бетарафлик ва холисликка таъсир кўрсатувчи амалиётнинг бартараф этилишига йўналтирилган.

Дастур, шунингдек, хўжалик судлари тизимига суд мажлисларини аудио ва видео қайд этиш механизмларини жорий этиш тадбирларини, қабул қилинган қарорларнинг веб-сайтларда эълон қилинишини, ҳакамлар суди қарорларини мажбурий ижро этишга ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза беришда тадбиркорлик субъектларини давлат божи тўлашдан озод этишни ҳам ўз ичига олади.

"Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш доирасида давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигининг бевосита мулоқот қилмайдиган шаклларини кенгайтириш бўйича комплекс тадбирлар мўлжалланган. Хусусан, Дастур тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали "ягона дарча" тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтиришни назарда тутади.

Шу билан бирга, илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда техник талаблар (санитария, экология, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, стандартлаштириш ва бошқалар) каби махсус норматив ҳужжатларни, самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бекор қилиш юзасидан танқидий қайта кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Фармоннинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий ғовлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан белгиланган йўлнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш имконини беради.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишлар қизғин тус олмоқда. Барча округ ва участка сайлов комиссияларида ушбу муҳим сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК САЙЛОВЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРАДИ



"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунда сайлов участкалари сайловчиларга имкон қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда тузилиши белгилаб қўйилган. Айни кунларда сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхати шакллантирилмоқда. Бунда ҳар бир сайлов участкасига уч минг нафардан кўп бўлмаган сайловчини овоз бериш учун бириктиришга эътибор берилмоқда.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 562-сайлов участкасида ҳам сайловга тайёргарлик жараёни қизғин кечмоқда.

Давлат рамзлари қўйилган, озода ва шинам бинода жойлашган сайлов участкаси хоналари интернет тармоғига уланган компьютер, принтер, факс ва бошқа зарур техник ҳамда кўргазмали воситалар билан жиҳозланган. Бу ерда сайловчилар тўлиқ маълумот олишлари учун сайлов тўғрисидаги барча қонун ҳужжатлари тўплами мавжуд. Овоз бериш, тиббиёт, оналар ва болалар хоналари шай ҳолга келтирилган.

562-сайлов участкаси "Зафаробод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган бўлиб, 2 минг 996 нафар сайловчи рўйхатга олинган. Айни вақтда сайловчилар билан яқиндан ишлаш, уларнинг сайловдаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида комиссия аъзолари ҳудуддаги кўп қаватли уйларга бириктирилган. Баъзи сабабларга кўра, сайлов куни сайлов участкасига келолмайдиган фуқароларнинг рўйхати тузилиб, уларга уй шароитида овоз бериш имконияти яратиб берилади. Шунингдек, зарур ҳолларда фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан олдин, ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, овоз беришлари учун махсус кўчма қутилар ташкил қилинган. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда сайловчилар, хусусан, сайловда илк бор иштирок этаётган ёшлар ўртасида миллий сайлов қонунчилигини кенг тарғиб этиш, Президент сайлови ва унда иштирок этишнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари режаси тузилмоқда.

Сайлов участкасида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Сайёра ШОЕВА

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2014 йил 5 майдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида Сергели тумани ҳокими иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди. Айтиш жоизки, матбуот анжуманига бежиз Сергели тумани раҳбари таклиф этилмади. Кейинги пайтда бевосита ҳукуматимиз эътибори туфайли Сергели тумани ҳар жиҳатдан тараққий этмоқда.

Сергели тумани ҳокими Фурқат Мақсудхўжаев аввалambор, журналистларни коммунал соҳада амалга оширилаётган ишлар билан таништирди. Сабаби, давлатимиз томонидан коммунал соҳага алоҳида эътибор берилмоқда. Туманда бу йўналиш бўйича алоҳида штаб ишлаб турибди. Жорий йилда тижорат банклари ёрдами билан ширкатларга биринчи босқичда 8 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилган бўлса, қўшимча дастур бўйича яна 2 миллиард 900 млн. сўмдан ортиқ кредит берилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик борасида асосий эътибор томларни ёпишга, иссиқлик тизимларини таъмирлашга қаратилди. Бундан ташқари болалар майдончалари барпо этишга жиддий ёндошилди. Кўп қаватли уйлар олдига видеокузатув мосламаларининг ўрнатилиши жиноятчиликнинг олдини олишда ўзининг ижобий самарасини бераяпти. Ҳар битта секторда намунавий микроҳудудлар барпо этилишига киришилган.

Туманда ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Саноат маҳсулотлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш-пудрат ишларида ўсиш кузатилмоқда. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. Ҳудудда ташкил этилган технопаркда 91 та ишлаб чиқариш субъекти қўшимча иш ўринлари яратишда, инвестиция олиб киришда салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. 2016 йилнинг шу давригача Инвестиция дастури доирасида 146 та корхона ишга тушган.

Туманда аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 йилда 7 минг 400 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Бунда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш ва кувватларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар яратиш, касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳудуддаги 7 та касб-ҳунар коллежи молия, иқтисодиёт, тиббиёт, енгил саноат, педагогика ва бошқа йўналишларга ихтисослашган бўлиб, жорий ўқув йилида ушбу ўқув масканларини битирган 1 минг 871 йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Коллежларда ўқувчиларнинг давомати, ўзлаштиришини доимий таҳлил этиб боришда хотин-қизлар қўмитаси, педагоглар, маҳалла фаолларининг ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилган.

Мулоқатда Тошкент шаҳри учун устувор аҳамиятга эга бўлган йирик дастур – Сергели туманида 2017 -2022 йилларда 500 та кўп қаватли уйнинг бунёд этилиши билан боғлиқ лойиҳа ишлаб чиқилганига алоҳида тўхталиб ўтилди. Шундан келиб чиқиб, мулоқотда Сергели туманида келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Ҳокимнинг таъкидлашича, яқин йиллар ичида ҳудудда 500 та кўп қаватли замонавий уйлар қурилади. 8 км. узунликдаги ер усти метроси Олмазор бекати билан Йўлдош мавзесини боғлайди. Бундан ташқари икки томонлама 12 чизиқли катта йўл ва узунлиги 10 км.ни ташкил этадиган кўприк барпо этилади. Бир сўз билан айтганда, Сергели тумани янада обод ҳудудга айланади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

З.ШАРИФЖОНОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

I. Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан такроран, 2015 йил 20 август кунидаги 1-189/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "AUTO PLAZA SERVIS" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01O060BA бўлган, "Ниссан Тида" русумли автомашина; бошланғич баҳоси – 54 444 382 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 25 октябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

II.Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омборида сақланаётган:

1. 2016 йил 6 сентябрь кунидаги 22026/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2010 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01H056FA бўлган, "Матиз" русумли автомашина; бошланғич баҳоси – 22 260 000 сўм. **2.** 2016 йил 6 сентябрь кунидаги 22028/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2006 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01Z936LA бўлган, "Матиз" русумли автомашина; бошланғич баҳоси – 22 526 588 сўм. **3.** 2016 йил 6 сентябрь кунидаги 22039/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1988 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01K681MA бўлган, "Ниссан Блюберд" русумли автомашина; бошланғич баҳоси – 5 455 173 сўм. **4.** 2016 йил 20 июль кунидаги 16870/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2010 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01A361GA бўлган, "Матиз Бест" русумли автомашина; бошланғич баҳоси – 22 594 880 сўм. **5.** 2016 йил 6 сентябрь кунидаги 22035/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1983 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10L082FA бўлган, "ВАЗ-2102" русумли автомашина; бошланғич баҳоси – 6 489 056 сўм. **6.** 2016 йил 6 сентябрь кунидаги 22035/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1984 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01R789EA бўлган, "ВАЗ-21011" русумли автомашина; бошланғич баҳоси – 5 034 056 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 8 ноябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин (Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 25 октябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 21 октябрь соат 16.00 гача, 2016 йил 8 ноябрь куни ўтказиладиган савдоларига эса 2016 йил 4 ноябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Марказий Амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000900603278001, МФО: 01088, ИНН: 303877274. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй. Тел: 239-29-40. **Гувоҳнома № 009293.**

Юнусобод туманидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида таълим муассасаларидаги ошхоналарни ижарага бериш бўйича Юнусобод туманидаги танлов комиссиясининг 2016 йил 8 сентябрдаги 3-сонли баённомасига асосан қайта ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги **"Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги** 132-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини янада яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар ўртасида таълим муассасаларига хизмат кўрсатиш бўйича тендер танловларида иштирок этувчилар аризалари **2016 йилнинг 5 октябридан 2016 йил 5 ноябрь куни соат 18.00 га** қадар Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, ҳужжатлар талабгорлар томонидан муҳрланган конвертларда танлов комиссиясига тақдим этилади:

умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;

махсус, моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;

Талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танловга оид қўшимча маълумотлар:

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, телефон: 252-77-81, 252-23-17

Юнусобод туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили	Телефон рақами
1	Тошкент телекоммуникация технологиялари касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 9-уй	222-87-90
2	Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, А.Дониш кўчаси, 28-уй	224-79-52
3	Юнусобод дизайн касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тмани, Марказ 5, 88-уй	237-65-43
4	Юнусобод компьютер технологиялар касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, Ислом-обод 1-тор кўчаси, 21-а уй	221-33-44
5	Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, 14-мавзе	223-58-53
6	Тошкент иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, 19-мавзе, 37-уй	220-03-68
7	Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод шарқшунослик академик лицейи	Юнусобод тумани, 7-мавзе	224-15-51
8	Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги Юнусобод академик лицейи	Юнусобод тумани, Халқа-обод 2-тор кўчаси, 4-уй	235-87-54
9	Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи	Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй	260-28-16
10	Тошкент Молия институти қошидаги молия академик лицейи	Юнусобод тумани, Зарбулоқ кўчаси, 14-уй	289-00-63
11	Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сон академик лицейи	Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 112-уй	235-03-69
12	Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицейи	Юнусобод тумани, 3-мавзе, 7-уй	221-61-33

"RESPUBLIKA MULK MARKAZI" AJ "POYTAXT FILIALI" Қуйидагиларни маълум қилади!

Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 15 июндаги №06/2004-сонли хатига асосан "Respublika Mulk Markazi" AJ "Poytaxt filiali"нинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-4 мавзеси, А.Ахматова кўчаси 7а-уй манзилида жойлашган "Друппа Дизайн" МЧЖ ҚК устав фондидаги 45, 11 фоиз давлат улуши аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 26 сентябрдаги №127"к" ПО-сонли буйруғи.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Гувоҳнома № 001580

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Савдога Яшнобод туман СИБ томонидан ФИБ Миробод туманлараро судининг 2014 йил 18 сентябрдаги 1-1695/14-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар 1-тор кўчаси, 7-уйда жойлашган, 1972 йилда пишган ғиштдан қурилган 4 қаватли иморатнинг 4-қаватида жойлашган, 1 хонали, умумий фойдаланиш майдони 33,93 кв.м. бўлган 53-хонадон қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 101 279 000 сўм.**

Аукцион савдолари 2016 йил 11 ноябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 9 ноябрь куни соат 18:00.

II. Савдога Миробод туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 27.03.2012 йилдаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 3 та яшаш хонаси, ҳожатхона, ювиниш хонаси, дарвозадан иборат уй-жой. **Бошланғич баҳоси – 152 981 991 сўм.**

2. ЖИБ Юнусобод туман судининг 19.02.2013 йилдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уй манзилида жойлашган, умумий 283 кв.м. ер майдонида қурилган, фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 2 та яшаш хонасидан иборат уй-жой. **Бошланғич баҳоси – 63 144 000 сўм.**

3. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 17.11.2011 йилдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уй манзилидаги 5 қаватли уй-жойнинг подвалида жойлашган, 20 кв.м.дан иборат 24-сонли автомобиль қўйиш жойи. **Бошланғич баҳоси – 27 662 550 сўм.**

Аукцион савдолари 2016 йил 27 октябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 25 октябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo'li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000000433601001, МФО: 01036. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz.

Лицензия RR-0225.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"MATBUOT JARANGGI" МЧЖнинг ИНН (207156959) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент труба заводи" қўшма корхонаси жамоаси корхона таъсисчилар кенгаши раиси

Владимир Леонидович ГАЛЬПЕРИНнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт янгиликлари



Футбол бўйича жорий йилги Ўзбекистон Кубогининг дастлабки финалчиси "Насаф" жамоаси эканлиги мухлисларга маълум.

УЧРАШУВ САНАСИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Аммо ҳали Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг "Локомотив" ҳамда "Бунёдкор" жамоалари ўртасидаги баҳслар ўтказилмаган эди. Яқинда Ўзбекистон футбол федерацияси расмий сайтида "Локомотив" — "Бунёдкор" ўртасидаги Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг дастлабки учрашуви санаси маълум қилинди. Унга кўра ушбу баҳс 25 октябрда темирйўлчилар майдонида уюштирилади. Эслатиш лозим, мазкур ўйин ғолиби Ўзбекистон Кубоги Биллур соврини учун "Насаф" жамоасига қарши ўзаро беллашади.

Сентябрь ойи якунларига кўра, пляж (соҳил) футболи бўйича мамлакатлар терма жамоаларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

ЯНГИ НАТИЖАЛАР

Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси 59-ўринда қайд этилди. Аввалги ой рейтингида 57-ўринга лойиқ кўрилган терма жамоамиз бу сафар икки поғона пастга шўнғиди. Қитъа миқёсида терма жамоамиз 10-ўринда бормоқда. Қитъа рейтингида Эрон терма жамоаси етакчилик қилмоқда.

Жаҳон рейтингида португалияликлар карвонбошилик қилаётган бўлишса, фахрли 2,3-ўринлар Россия, Италия терма жамоаларига тегишли бўлиб турибди.

ТУРНИРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН КЕЧМОҚДА

Хитойда 20-24 октябрь кунлари аёллар футболи терма жамоалари ўртасида халқаро турнир уюштирилади.

Ушбу халқаро турнирда Хитойдан ташқари Ўзбекистон, Исландия ва Дания аёллар терма жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришади. Мусобақада муваффақият қозонишга аҳд қилган Шерзод Бобоқулов бошчилигидаги Ўзбекистон аёллар терма жамоаси айни кунларда Бекободда ўқув-машғулот йиғини ўтказмоқда.

Биз эса кўп минг сонли мухлислар номидан аёллар терма жамоамизга омад ёр бўлсин, деймиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

БАҲСЛАР ЎЗ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Вьетнамнинг Дананг шаҳрида ўтказилган Осиё соҳил ўйинларининг сўнгги куни дастуридан ўрин олган баҳслар ўз ниҳоясига етди.

Ушбу кун тақвимидан ўрин олган самбо беллашувларида икки нафар спортчимиз баҳсларга киришди.

Дастлаб аёллар ўртасида 72 килограммдан ортиқ бўлган вазн тоифасида С.Эркинбоева чорак финалда таиландлик Чангпрачам Синирапани енгиб, ярим финалда Нгуен Тхига имкониятни бой бериб қўйди ва бронза медали учун курашадиган бўлди.

Ҳал қилувчи баҳсда эса вакиламиз қозоғистонлик Қимбат Туршабекни мағлуб этиб бронза медали соҳибасига айланди.

Шунингдек, эркаклар баҳсида 90 килограммдан ортиқ бўлган вазн тоифасидаги вакилимиз Элдор Ғуломов саралаш босқичида эронлик Ходҳоди Абкентурга имкониятни бой бериб қўйди.

Бутунжаҳон шахмат федерацияси октябрь ойи учун спортчиларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

ШАХМАТЧИЛАРНИНГ РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Унга кўра эркаклар рейтинг жадвалида норвегиялик Магнус Карлсен биринчи ўринни эгаллаб турган бўлса, аёллар рейтингида хитойлик Хоу Ифань етакчилик қилмоқда.

Ўзбек спортчилари орасида эса ҳамон Рустам Қосимжонов ва Нафиса Мўминова биринчи ўринни эгаллаб туришибди. Шунингдек, ҳамюртларимиздан Антон Филипов, Жаҳонгир Воҳидов, Ирина Геворгян, Гулруҳбегим Тоҳиржоновалар ҳам рўйхатнинг юқори қаторларидан ўрин олишди.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Тошкент вилоят прокуратурасига тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, Ц-мавзесида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "Нексия" русумли, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, техник ҳолати қониқарли ҳолатда, бошланғич баҳоси – 21 510 670 сўм, давлат рақами 10/775 ААА.

2. "Нексия" русумли, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, техник ҳолати қониқарли ҳолатда, бошланғич баҳоси – 21 048 025 сўм, давлат рақами 10/763 GBA бўлган автотранспорт воситаси. Савдо ғолибига 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори 40 фоиз.

Аукцион 2016 йил 7 ноябрь соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 4 ноябрь куни соат 18:00.

Юқорида кўрсатилган савдоларда иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувда белгиланган миқдордан кам бўлмаган закалат пулини "RMM" АЖнинг АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. Гувоҳнома №001580.

"Xorazm ko`chmas mulk savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар Чилонзор филиали Нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

XORAZM KO'CHMAS MULK savdo servis

2016 йил 25 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2016 йил 16 июндаги қарори асосида берилган 10-1520/19101-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. ООО ПТФ "RUTA"га тегишли Миробод тумани, Янги Қўйлиқ мавзеси, У.Олимбеков кўчаси, 16/1-уйда жойлашган кўчмас мулк (нотурар жой) биноси, маъмурий бино, ишлаб чиқариш цехи ва омбор (Блок А) 1.625.464.138 сўм, умумий майдони 1374 кв.м, қоровулхона ва айвон (Блок Б) 58.146.618 сўм, умумий майдони 60 кв.м, резервуар (Литер Г) 36.318.513 сўм умумий майдони 12 кв.м, объектнинг жойлашган ҳудуди коэффициенти ҳисоби билан бошланғич баҳоси 1.895.362.054 сўм

2016 йил 25 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 13 январдаги қарори асосида берилган №10-1410/20357-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

1."АКОМА" МЧЖга тегишли Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 33/1-уйда жойлашган кўчмас мулк (нотурар жой) биноси, 2001 йил 1-сонли давлат ордерга асосан эгалик ҳуқуқи билан 11-58/2001-реестр рақами билан давлат кадастр рўйхатидан ўтган. Умумий майдони 454 кв.м, 5 қаватли бинонинг 1-қавати қисми 1964 йилда қурилган. Бошланғич баҳоси 856.693.000 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 24 октябрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар қуйидаги ҳужжатлар топширадилар:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Xorazm ko`chmas mulk savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар Чилонзор филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000804935791001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302101629. www.xkmss.uz Телефонлар: 0371 276-42-62; +99890 317-99-19.

Гувоҳнома № 5362



"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 10 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 19.03.2015 йилдаги №1-980/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 55-уй, 129-хонадон манзилида умумий майдони 66,23 кв.м., яшаш майдони 42,16 кв.м., бошланғич баҳоси: 236 200 000 сўм бўлган турар жой.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 5049 3605 0001, МФО: 00996, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258 Лицензия: RR-0052.

"Ўзбекэнерго" АЖнинг "Toshkent hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" акциядорлик жамияти қуйидаги линия назоратчиси вазифаларига фуқароларни ишга қабул қилади!

"Янгийўл шаҳар электр таъминоти корхонаси"га — 29 нафар.

"Юқоричирчиқ туман электр таъминоти корхонаси"га — 13 нафар.

Ишга қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. "Toshkent hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" АЖ Кадрларни бошқариш бўлимига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчаси (меҳнат дафтарчаси бўлмаган тақдирда жамият томонидан юритилади);
5. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
6. Яшаш манзилидан маълумотнома;
7. Охирги иш ёки ўқиш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;
8. 3х4 шаклдаги 4 дона расм;

"Toshkent hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" АЖнинг қуйи тизимларида мавжуд бўш ўринларига ёши 20 дан 45 ёшгача бўлган, маълумоти ўрта ёки ўрта-махсус бўлган, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий рўйхатда турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ишга қабул қилинади.

Ишга киришни хоҳловчи фуқаролар "Toshkent hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" АЖга мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 42-уй.

Телефон: 150-27-94.

"Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газетасининг 2016 йил 29 сентябрдаги № 201 (13.264)-сонида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаментига қарашли автотранспорт воситалари "Ким ошди савдо сервис" МЧЖ орқали очиқ аукцион савдолари бўлиб ўтиши тўғрисидаги чоп этилган эълондаги савдо куни 2016 йил 18 октябрь деган сўз 2016 йил 20 октябрь деб ўқилсин.

Гувоҳнома № 547

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ марказий идорада 2016 йил 30 сентябрида бўлиб ўтган аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи натижаси.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Бинолардан фойдаланиш департаменти" ДУК тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган маъмурий бинонинг 5519 кв.метрга тенг қисми бошланғич баҳоси – 19 082 059 663 сўм 39 ти-йин, сотилиш баҳоси – 20 000 000 000 сўм.

Лицензия:RR0001

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

27 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 7 октябрь куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 25-

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1055

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4775 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 17.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ